

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

НУРХАНОВА НИЛУФАР ОДИЛ КИЗИ

**ПЕРИМЕНОПАУЗАЛ ДАВРДАГИ АЁЛЛАРДА ЭНДОМЕТРИЙ
ГИПЕРПЛАЗИЯСИНИ БАШОРАТЛАШ ВА ДАВОЛАШ
МЕЗОНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Нурханова Нилуфар Одил кизи

Перименопаузал даврдаги аёлларда эндометрий гиперплазиясини

башоратлаш ва даволаш мезонларини такомиллаштириш3

Нурханова Нилуфар Одил кизи

Прогнозирования и оптимизации тактики ведения женщин с гиперплазией

эндометрия в перименопаузальном периоде25

Nurkhanova Nilufar Odil kizi

Prognosis and optimization of management tactics for women with endometrial

hyperplasia in the perimenopausal period47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

НУРХАНОВА НИЛУФАР ОДИЛ КИЗИ

**ПЕРИМЕНОПАУЗАЛ ДАВРДАГИ АЁЛЛАРДА ЭНДОМЕТРИЙ
ГИПЕРПЛАЗИЯСИНИ БАШОРАТЛАШ ВА ДАВОЛАШ
МЕЗОНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib2997 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туксанова Дилбар Исмаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримова Нилуфар Набижановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Иванова Оксана Юрьевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел./факс: +99865 223-00-50; Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел./факс: +99865 223-00-50; Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда перименопаузал даврдаги аёллар орасида аномал қон кетишларининг кўпайиб бориши тиббий муаммо билан бир қаторда ижтимоий муаммога ҳам айланиб бормоқда, жумладан, аномал қон кетишларининг асосий сабаби булган эндометрий гиперплазиясининг мураккаб ва энг оғир асоратларидан бири эндометрий саратони ҳисобланиб, сўнги ўн йил ичида соғлиқни сақлашнинг ўрганилиши керак бўлган устувор йўналишига айланди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) ва Халқаро акушерлик ва гинекология федерацияси (FIGO) маълумотларига кўра, эндометрий саратони перименопаузал ёшдаги аёллар ўлимининг сабаблари орасида сут бези саратонидан кейин иккинчи ўринни эгалламоқда. Бу эса ўз негизида эндометрий гиперпластик жараёнлари ривожланишини эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш ва даволаш меъзонларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида перименопауза ёшидаги аёлларда эндометрий гиперпластик жараёнларини ташхислашда иммунологик, биокимёвий, иммугистокимёвий ва генетик маркёрларнинг роли ва эндометрий атипик жараёнларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар ишлари амалга оширилмоқда. Аммо, «...дунё бўйлаб янги, замонавий ташхислаш, профилактика ва даволаш усулларининг ривожланишига қарамасдан, эндометрий саратони билан касалланиш ҳолатларининг мунтазам ўсиш тенденцияси сақланиб қолмоқда...»¹. Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда эндометрий саратонининг ўсиши касалланиш бўйича тахминан 20%, ўлим даражаси эса 30% дан ортиқни ташкил этди. Россия Федерацияси ҳам четда қолмади ва 10 йил давомида эндометрий саратони билан касалланиш 100000 аҳолига 119,9 дан 175,5 гача ошди.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва уларни жаҳон андозалари асосида ташкил қилиш, перименопаузал ёшдаги аёллар орасида учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш, асоратларини камайтиришга қаратилган қатор ислохотлар ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, перименопауза даврида аёлларда бачадондан аномал қон кетиши хавфини эрта ташхислаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Siegel RL, Miller KD, Jemal A. Cancer statistics, 2018. CA Cancer J Clin. 2018 Jan;68(1):7-30. doi: 10.3322/caac.21442. Epub 2018 Jan 4. PMID: 29313949

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йигирма йил ичида аёлларда эндометрий саратони ҳолатлари сонининг сезиларли ўсиши кузатилмоқда. АҚШ статистика маълумотларига кўра, эндометрий саратони билан касалланиш сўнгги 20 йилда деярли 60% га ошган. АҚШ Миллий саратон институтининг прогнозларига кўра, аёлларнинг 3,1% гачаси ҳаёти давомида ушбу ташхисга дуч келади. Қандли диабет ва семизлик каби хавф омилларининг тарқалиши ортиб бораётганини ҳисобга олсак, ЭС нинг янги ҳолатлари сонининг янада кўпайиши кутилмоқда: 2020 йилда 82 000 тагача ва 2030 йилда 122 000 тагача. Таққослаш учун, 2010 йилда тахминан 52 000 та янги ҳолат қайд этилган. Шунини таъкидлаш муҳимки, эндометрий раки – бу бир хил бўлмаган касалликдир. Эндометрий ўсмалари ўз тузилиши ва ҳужайра таркиби бўйича сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин (Alcázar J.L.,2018; Ferrazzi E.,2019; Caspi B.,2020).

Россия Федерацияси маълумотларига кўра, ушбу патологиянинг ўсиши 65% ни ташкил этди ва ҳозирда эндометрий саратони кўкрак беши саратонидан кейин 2-ўринни эгаллайди, аммо атипик эндометрий гиперплазияси ривожланиши учун замин бўлиши мумкин бўлган эндометрий гиперплазияси частотаси тўғрисидаги маълумотлар кам. ЭГ учраш частотаси 3,4% ни, маҳаллий муаллифларнинг маълумотларига кўра эса 15 дан 50% гачани ташкил этади. Шу билан бирга, бу маълумотлар муаммонинг ҳақиқий кўламини баҳолаш учун жуда қизиқарли ва муҳимдир. Академик В. И. Кулаков номидаги АГММ маълумотларига кўра, 5 йиллик давр мобайнида ЭГП аниқланиш частотаси 3,7% ни, АЭГ эса 0,6% ни ташкил этди (Адамян Л.В., 2019; Капитанова О.В., 2020; Бантыш Б.Б., 2021).

Республикада ўтказилган бир нечта тадқиқотларда эндометрийнинг 1500 дан ортиқ гистологик текширувлари таҳлил қилинган ва кечки репродуктив ёшда эндометрийдаги гиперпластик жараёнларнинг частотаси

67,4%, перименопаузада - 66,5%, постменопаузада - 51,9% эканлиги аниқланган. Эндометрийнинг атипик гиперплазияси ташхиси қўйилган беморларда эндометрий саратони ривожланиш хавфи популяция гуруҳига нисбатан 45 баравар юқори. Эндометрий атипиясиз ЭГда ЭС ривожланиш хавфи 19 йиллик кузатув даврида 4,6% ни ташкил қилади (Агабабян Л.Р., Закирова Г.Ю., 2017; Абдулкадырова З.К., 2019).

Эндометрий гиперплазияси рецидивларининг юқори частотаси даволашда янги ёндашувларни излашни талаб қилади. Қайталаниш хавф омилларини аниқлаш ва терапияга индивидуал жавобни башорат қилиш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. ЭГ рецидивлари ва унинг эндометрийнинг патологик гиперплазиясига шаклланиши, шунингдек, унинг эндометриоид аденокарциномага ривожланиши предикторларининг ишончли диагностик мезонларининг йўқлиги, узоқ муддатли гормонотерапияни ўтказиш самарадорлигини назорат қилиш, морфологик текширув мониторинги ва унинг салбий оқибатини олдини олиш учун беморларни олиб боришнинг адекват тактикасини танлашнинг мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Мазкур патология бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилганига, уларнинг хавфли (малигнизация) жараён ривожланиш хавфини оширишига таъсири ва уни юритиш тактикаси ўрганилганига қарамай, унинг субклиник шакллари башоратлаш, эрта ташхислаш ва даволаш масалалари ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган ва илмий асосланмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро Давлат тиббиёт институтида №03.2019.PhD148 "COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026 й.й.)" мавзусидаги тадқиқот режалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Эндометрий гиперплазиясини эрта ташхислашнинг башоратлаш маркерларини аниқлаш орқали перименопауза давридаги аёлларни олиб бориш ва даволашнинг адекват тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

клиник ташхис асосида эндометрий гиперплазияси ривожланишининг башорат қилувчи хавфларини аниқлаш ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларни диспансеризация қилишнинг адекват тактикасини ишлаб чиқиш;

эндометрий гиперплазиясининг қайталанувчи шакллари субклиник ташхислашда лаборатор ва функционал тадқиқот усуллари аҳамиятини ва уларнинг эндометрий патологик гиперплазияси шаклланишини эрта ташхислашдаги ролини аниқлаш;

перименопауза даврига ўтиш даврида эндометрий гиперплазияси бўлган аёлларда тизимли ва маҳаллий цитокин статусининг қиёсий таҳлилининг ўрганиш;

рецидивланувчи эндометрий гиперплазияси ривожланишида биокимёвий, инструментал ва иммунологик маркерлар ўртасидаги ўзаро боғ-

лиқликни аниқлаш;

аниқланган ташхислаш маркерлари асосида эндометрий гиперплазияси ва унинг рецидивланувчи шакллари олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш, шунингдек, перименопауза давридаги аёлларни олиб бориш ва даволашнинг дифференциал асосланган тактикасини танлаш.

Тадқиқот объекти. 2022-2024- йилларда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалига аномал қон кетиши билан мурожаат қилган 78 нафар бемор, назорат гуруҳига Бухоро шаҳар 5-оилавий поликлиника рўйхатидаги перименопаузал даври физиологик кечган 36 нафар аёл ташкил этган.

Тадқиқот предмети бўлиб венос қон, қон зардоби, эндометрий қириндиси ва бачадон бўшлиғи аспирати беморларнинг асосий биокимёвий, гормонал, иммунологик ва гистологик кўрсаткичларини баҳолаш учун хизмат қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, функционал, биокимёвий, гормонал, иммунологик, ультратовуш, гистологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эндометрий гиперплазияси олиб келувчи хавф омиллари (камқонлик, томирларни варикоз кенгайиши, семизлик, 2 тип қандли диабет) шакллантирилган ва такрорий эндометрий гиперплазиясини башоратловчи эрта диагностик маркёрлар (CD25+ ва CD95+ эрта ва кечки фаоллаштириш маркёрлари концентрациясининг пасайиши, маҳаллий даражада яллиғланиш олди интерлейкинлари даражасининг кўтарилиши билан биргаликда ИЛ-2 нинг пасайиши) аниқланган;

перименопаузал даврда эндометрий гиперплазиясида IL-1 β , IL-2, IL-6, ФНО- α интерлейкинларининг тизимли ва маҳаллий даражада қиёсий таҳлили ўтказилган, ҳамда илк марта эндометрий гиперплазияси ва такрорий эндометрий гиперплазиясида Д витаминининг роли асослаб берилган;

эндометрий гиперплазиясининг такрорий ривожланишида эндометрий қалинлиги кўрсаткичлари ва СА-125 онкомаркери ўртасида юқори тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик, шунингдек, эндометрий қалинлиги кўрсаткичлари ва D-25(OH) витамини ўртасида кучли тесқари корреляцион боғлиқлик аниқланди. Бундан ташқари, яллиғланиш олди цитокини ФНО- α ва СА-125 онкомаркери ўртасида тўғридан-тўғри кучли корреляцион боғлиқлик аниқланган;

эндометрий гиперплазияси ва такрорий эндометрий гиперплазиясининг башоратлаш белгилари асосида биринчи марта мақбул клиник текширув ва бошқариш тактикаси ҳамда индивидуаллашган даволаш алгоритми танланиб, унинг самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лаборатория ва функционал диагностика йўли билан эндометрий гиперплазияси ривожланишининг башорат қилувчи хавфлари аниқланган ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларни диспансеризация қилишнинг адекват тактикаси ишлаб чиқилган;

аёлларнинг перименопауза даврида эндометрида пролифератив жараён-

ларнинг ривожланишида стероид гормонлар, цитокин статусининг бузилишининг роли исботланган;

перименопауза даврида гиперплазиянинг қайталанувчи шакллари субклиник ташхислашда функционал ва морфологик тадқиқот усулларининг эрта маркерларининг аҳамияти баҳоланган;

перименопауза давридаги аёлларда эндометрий патологик гиперплазияси ривожланишида хавф омилларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган ва унинг олдини олиш чоралари белгиланган;

рецидивланувчи эндометрий гиперплазиясини клиник олди ташхислашнинг асосий маркерлари, даволашнинг оптимал усуллари, уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва унинг муваффақиятли натижасига истиқболли ютуқлар учун жарроҳлик тактикасини ўз вақтида танлаш аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, лаборатор, функционал, гормонал, иммунологик, гистологик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Олинган тадқиқот натижалари ваколатли ташкилотларнинг натижаларга оид хулосалари олинганлиги ва улар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, анамнестик, биокимёвий кўрсаткичлар, гормонал фон, яллиғланиш ва иммунологик маркерлар, эндометрийнинг ультратовуш ва гистологик кўрсаткичларини аниқлаш натижасида гиперплазия ва қайталанувчи эндометрий гиперплазиясини эрта ташхислаш ва башоратлашга ёрдам беради, шунингдек, комплекс даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга сезиларли ҳисса қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларни аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий хулосалар эндометрий гиперплазияси бўлган аёлларнинг биокимёвий, гормонал ва иммунологик ҳолатини ўрганишда, шунингдек, эндометрий гиперплазияси хавф омилларини эрта ташхислашда фойдалидир, бундан ташқари, ушбу кўрсаткичларни ўрганиш перименопаузал ўтиш давридаги аёлларда эндометрийдаги жараённинг асоратларини олдини олишга ва малигнизацияга ўтиб кетмасликга ёрдам беради. Олинган натижалар асосида патологик эндометрий гиперплазиясининг (ПЭГ) субклиник шакллари башорат қилиш ва эрта ташхислаш учун ишлаб чиқилган алгоритм ва беморларни олиб боришнинг танланган дифференциал тактикаси ҳаётнинг перименопаузал даврида аёлларнинг репродуктив тизимида онкологик патология ривожланишининг кескин пасайишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Перименопауза давридаги аёлларда эндометрий гиперплазиясини эрта ташхислашда цитокин

ҳолати ва биокимёвий маркерларнинг ролини аниқлаш ва баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: эндометрий гиперплазияси олиб келувчи хавф омиллари (камқонлик, томирларни варикоз кенгайиши, семизлик, 2 тип қандли диабет) шакллантирилган ва такрорий эндометрий гиперплазиясини башоратловчи эрта диагностик маркёрлар (CD25+ ва CD95+ эрта ва кечки фаоллаштириш маркёрлари концентрациясининг пасайиши, маҳаллий даражада яллиғланиш олди интерлейкинлари даражасининг кўтарилиши билан биргаликда ИЛ-2 нинг пасайиши) аниқланган. **Ижтимоий самарадорлиги:** перименопаузал даврдаги эндометрий гиперплазиясига олиб келувчи гинекологик, соматик ва метаболик омилларнинг роли етакчи эканлигини инобатга олган ҳолда уларнинг сабаб омилларини эрта аниқлашга йўналтирилган. Такрорий эндометрий гиперплазиясини башоратловчи эрта диагностик маркерлар асосида эндометрий гиперплазияси рецидивларининг олдинини олиш ва дифференциялашган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш асосида рақ олди касалликларни эрта башоратлашга эришилди. **Иқтисодий самарадорлиги:** мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 9500000 сўм бюджет маблағлари эрта диагностик маркёрларни аниқлаш орқали даволаш ва профилактика усуллари жорий этиш орқали стационар даволанишига бўлган эҳтиёж 24%га камайиши натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: перименопаузал даврда эндометрий гиперплазиясида ИЛ-1 β , ИЛ-2, ИЛ-6, ФНО- α интерлейкинларининг тизимли ва маҳаллий даражада қиёсий таҳлили ўтказилган, ҳамда илк марта эндометрий гиперплазияси ва такрорий эндометрий гиперплазиясида Д витаминининг роли асослаб берилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** Эндометрий гиперплазиясига чалинган перименопаузал даврдаги аёлларда цитокинлар статуси тизимли ва маҳаллий даражада қиёсий таҳлили натижаларини баҳолаш орқали тадқиқотда қўлланилган дифференциаллаштирилган даволаш усуллари ёрдамида ва витамин Д етишмовчилигини бартараф этган ҳолда ушбу патологиянинг хавfli асоратларини 2 бараварга камайтириш, ҳамда даволаш сифатини оширишга эришилган. **Иқтисодий самарадорлиги:** Перименопауза ёшидаги эндометрий гиперплазиясига чалинган аёлларда иммунологик ўзгаришларни башоратлаш орқали хавф гуруҳлари аниқланди. Ушбу хавф гуруҳларда олиб борилган комплекс даволаш тадбирлари орқали келиб чиқиши мумкин бўлган хавfli асоратларини олди олинди, ҳамда асоратларни даволашда кетадиган сарф-харажатлар ҳисобига 3850000 сўм иқтисод қилинди;

учинчи илмий янгилик: эндометрий гиперплазиясининг такрорий ривожланишида эндометрий қалинлиги кўрсаткичлари ва СА-125 онкомаркери ўртасида юқори тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик, шунингдек, эндометрий қалинлиги кўрсаткичлари ва D-25(ОН) витамини ўртасида кучли тесқари корреляцион боғлиқлик аниқланди. Бундан ташқари, яллиғланиш олди цитокини ФНО- α ва СА-125 онкомаркери ўртасида тўғридан-тўғри кучли корреляцион боғлиқлик аниқланган. **Ижтимоий самарадорлиги:** Перименопауза ёшидаги эндометрий гиперплазиясига

чалинган аёлларда башоратловчи клиник-лаборатор, биёкимёвий, иммунологик ва гистологик маркёрларнинг аҳамиятини ўрганиш асосида кейинчалик ривожланиш эҳтимоллиги бўлган асоратларнинг олдини олиш имкониятини берган ва эрта ташхислаш натижасида ёмон сифатли ўсмалар кузатилиши мумкин бўлган беморлар сонини камайтиришга эришилган. **Иқтисодий самарадорлиги:** беморнинг шифохонадаги даври учун таклиф этилган текшириш усуллари кўллаганимиздан сўнг аёлларнинг шифохонада қолиш муддатини 9 кундан 5 кунгача кунга қисқартирди, олдинги текшириш учун қилинган харажат 1 бемор учун 1524000 сўмни ташкил қилган бўлса, биз таклиф қилган усулда харажатлар 554600 сўмни ташкил қилди, йил давомида ҳар бир бемор учун 969400 сўм фойда билан чиқдик;

тўртинчи илмий янгилик: эндометрий гиперплазияси ва такрорий эндометрий гиперплазиясининг башоратлаш белгилари асосида биринчи марта мақбул клиник текширув ва бошқариш тактикаси ҳамда индивидуаллашган даволаш алгоритми танланиб, унинг самарадорлиги ўз вақтида баҳоланган. **Ижтимоий самарадорлиги:** даволаш усуллари янада такомиллаштириш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, жиддий асоратларининг олдини олиш, ётоқ кунлари давомийлигини қисқартириш ва меҳнатга лаёқатсиз кунларини камайтириш имконини берган. **Иқтисодий самарадорлиги:** биз тадбиқ қилган комплекс ва дифференциал даволаш усули орқали шифохонада бўлиш даври 9 кундан 5 кунга қисқартирилди ва шу ҳисобига 680000 сўмлик дори-дармон кам талаб этилади (1 кунга ўртача 170 000 сўм дори воситалари сарфланади). Хулоса: эндометрий гиперплазияси ва қайталанувчи эндометрий гиперплазиясини эрта аниқлаш, ушбу патология билан боғлиқ бўлган асоратларни олдини олиш ва комплекс даволаш алгоритминини қўллаш орқали даволаш самарадорлигига ҳамда касалликни такрорланиш хавфини камайтиришга эришилган. Илмий натижалар асосида: "Перименопауза давридаги аёлларда бачадондан аномал қон кетишини ташхислаш усуллари такомиллаштириш" услубий тавсияномаси тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 15-январдаги 24-м/004-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома перименопауза ёшидаги аёлларда эндометрий гиперплазиясини ўз вақтида аниқлаш, ушбу контингентдаги беморларда малигнизация ва рецидив даражасини камайтириш имконини берган. Тадқиқот давомида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон вилояти Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2-туғруқ комплекси ва "Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази" давлат муассасасининг Бухоро вилояти филиали амалиётига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/53 – сон хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши эндометрий гиперплазияси бўлган аёлларни ташхислаш ва даволаш сифатини оширишга, асоратлар частотасини, хавфли ўсмаларга ўтиш ва ўлим хавфини камайтиришга, даволаш харажатларини камайтиришга ва кеч репродуктив даврда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий

натижалари 8 та, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Натижалар тавсифланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётда қўлланилган. Диссертациянинг тузилиши, эълон қилинган ишлар ҳақида маълумот.

Диссертациянинг **"Перименопаузал даврда эндометрий гиперпластик жараёнлари ҳақида долзарб тушунчалар"** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари мисолида адабиётлар маълумотлари шарҳи келтирилган, адабиётлар маълумотлари асосида кеч репродуктив даврда эндометрий гиперплазияси бўлган аёлларни олиб бориш ва даволаш тактикасини прогнозлаш ва оптималлаштириш, гиперпластик жараёнларни патогенезига қараб ташхислаш бўйича замонавий қарашлар таҳлил қилинган, шу билан бирга ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқланиши керак бўлган жиҳатлари аниқланган. Биринчи боб таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулосалар билан якунланади.

Диссертациянинг **"Перименопауза даврида эндометрий гиперплазияси бўлган аёлларни текшириш материаллари ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўлланилган асосий тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган.

Тадқиқот материаллари Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ва Бухоро шаҳар 5-оилавий поликлиникаси базасида тўпланган. Лаборатор таҳлиллар ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти ва "Sitodiagnostic" хусусий клиникасида 2022-2024 йиллар давомида ўтказилди. Лаборатор тадқиқот усуллари: гормонал ва биокимёвий тадқиқот усуллари Германияда ишлаб чиқарилган HUMA Reader HC, HUMAN GmbH, Кат, №16670, 2017 йилги қурилмасида «Sitodiagnostic» хусусий клиникасида (2022 йил 20.01 даги 1-сонли шартнома) бажарилган. Иммунологик тадқиқот усуллари ЎзР ФА Инсон иммунологияси ва геномикаси институтида (2022 йил 16.03 даги 6-сонли шартнома) қаттиқ фазали иммунофермент таҳлили усули (ThermoElectron, Финляндия "Multiskan Ascent" фотометри) ёрдамида "Вектор-Бест" фирмасининг

реактивларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Тизимли ва маҳаллий даражада интерлейкинлар IL-1 β , IL-2, IL6 ва ФНО α концентрациялари аниқланди.

Бачадон ва унинг ортиклари ультратовуш текшируви Volusion – P8 BT18 (GE Ultrasound Korea Ltd. 2018-08) аппаратида ўтказилди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар давомида олинган натижаларни қайта ишлаш Excel 2013 электрон жадвали ва SPSS Statistics 17.0 статистик пакети ёрдамида параметрик ва нопараметрик усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Кузатув остида 114 нафар аёл бўлиб, улардан 40 нафари эндометрий гиперплазияси бўлган биринчи асосий гуруҳни, 38 нафари рецидивланувчи эндометрий гиперплазияси бўлган иккинчи асосий гуруҳни ва 36 нафари перименопауза даврининг физиологик кечиши бўлган назорат гуруҳини ташкил этди.

Беморларнинг ёш тоифаси 45 ёшдан 55 ёшгача бўлиб, ўртача 49 ± 2 ёшни ташкил этди. Аёлларнинг бандлик турларини ўрганишда асосий гуруҳда жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи аёллар назорат гуруҳига нисбатан деярли 2 баробар кўп эканлиги аниқланди ($p<0,001$).

Соматик касалликлар маълумотларни таҳлил қилганда, ошқозон-ичак тизими, эндокрин тизими аъзолари касалликлари, варикоз касаллиги бошқа преморбид ҳолатларга қараганда кўпроқ таххисланган, аммо биринчи ўринда турли даражадаги анемия бўлганлигини аниқладик. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, асосий гуруҳдаги аёлларда экстрагенитал патология назорат гуруҳидаги аёлларга қараганда 5 баравар кўпроқ аниқланади.

Тадқиқот гуруҳларида тана вазни индекси (ТВИ) ўрганилганда, ортикча вазн ва семизлик билан оғриган беморларнинг иккита асосий гуруҳида назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада кўп эканлиги аниқланди, бу кўрсаткич II гуруҳда 27,8%, 22,3% ва III гуруҳда мос равишда 35,4%, 38,1% ни ташкил этди ($p<0,001$).

Гинекологик анамнезни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, гинекологик патологиялар ва аралашувлар учинчи ўрганилаётган гуруҳда сезиларли даражада кўпроқ учраган. Айниқса, бу борада жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари етакчи ўринни эгаллади - I назорат гуруҳида 19,4%, II ва III асосий гуруҳларда мос равишда 22,5, 39,5% ни ташкил этди ($p<0,001$).

Тадқиқот гуруҳларидаги аёлларнинг анамнезини ўрганиб, биз назорат гуруҳида 71% бемор турмуш курганини, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич 58,2% ни ташкил этганини аниқладик ($p<0,001$). Шу билан бирга, турмушга чиқмаганлар 6% ва 8,1% ни ташкил этди, назорат гуруҳининг 23% ва асосий гуруҳнинг 33,7% ажрашган.

Бундан ташқари, ажратилган гуруҳлардаги аёлларни текшириш натижасида биз иккала гуруҳда ҳайз функциясининг табиати сезиларли фарқларга эга эмаслигини аниқладик. Асосий гуруҳда менархенинг ўртача ёши $\pm 14,0$ ва $\pm 14,5$ ёшни, назорат гуруҳида эса $\pm 13,2$ ёшни ташкил этди ($p>0,05$). Ҳайз циклининг давомийлиги 25 кундан 32 кунгача ўзгариб турди, асосий гуруҳда ўртача 28-30 кунни, назорат гуруҳида 26-27 кунни ташкил этди ($p>0,05$). Қонли ажралмаларнинг давомийлиги асосий тадқиқот гуруҳларида сезиларли фарқларга эга бўлмади - $8,2\pm 0,5$ ва $8,6\pm 0,6$ кун, барча беморларда


кон йўқотиш сезиларли даражада кўп деб баҳоланди. Ҳайз бошланишидаги оғриқ ҳам перименопауза давридаги ҳаёт сифатига таъсир қилади, у оғриқнинг оғирлик даражасига кўра баҳоланди. III даражали дисменорея рецидивланувчи гуруҳда 4 марта кўп учради.

Беморларнинг ўрганилаётган гуруҳларида қўлланилган контрацепция усуллари кийёсий кўрсаткичлари шуни кўрсатдики, аёллар 55% ҳолларда БИВдан фойдаланганлар ($p < 0,001$). Энг кам фоизни гормонал контрацепция усуллари ташкил этди.

Диссертациянинг "**Шахсий тадқиқотлар натижалари**" деб номланган учинчи бобида 114 нафар аёлнинг клиник-лаборатор ва инструментал-гистологик текширув натижалари келтирилган.

Тадқиқот гуруҳларидаги гормонал ҳолатнинг кийёсий маълумотлари қондаги ФСГ миқдори назорат гуруҳига нисбатан 2-2,5 баробар юқори бўлганини кўрсатди. Икки асосий гуруҳда ЛГ ҳам назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлиб, 28,8 ва 33,4 mlU/ml ни ташкил этди. ЛГ нинг ФСГ га нисбати учта гуруҳда 1,2 ни ташкил этди. Эстрадиол кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 1,5 баробар юқори бўлди, аммо прогестероннинг 2-2,5 ва ундан ортиқ баробар пасайиши сезиларли эди. ФСГ нинг нисбатан юқори бўлишига қарамай, асосий гуруҳда эстрадиол концентрацияси нисбатан юқори эди, бу ёш ўтиши билан фолликулаларнинг камайиши билан бирга гонадотропинларга рецепторлар сони ҳам камайиши билан изоҳланади, бу бизнинг тадқиқотларимизда ўз аксини топган.

Перименопаузал ёш онкологик касалликларнинг ўсиши нуқтаи назаридан хавфлидир. Биз беморларда тухумдон ва сут безидаги онкологик жараёнларни истисно қилиш ва эндометрий патологиясида ушбу таҳлилларнинг сезгирлигини аниқлаш, шунингдек, даволаш самарадорлигини назорат қилиш учун СА-125 ва СА-15-3 онкомаркерларига таҳлил ўтказдик (1-расм).



1-расм. Текширилаётган аёллар гуруҳларида онкомаркерларнинг кийёсий кўрсаткичлари, n=114 (%)

Асосий гуруҳдаги СА-15-3 онкомаркерининг титр кўрсаткичлари худди шу ёшдаги назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан 1,4 ва 2,1 баробар юқори бўлган, гарчи бу кўрсаткичлар референт қийматлар доирасида бўлган бўлса ҳам. СА-125 онкомаркери кўрсаткичининг ўзгариши ўртача биринчи гуруҳда 9,15, иккинчи ва учинчи гуруҳларда мос равишда 19,1 ва 81,3 Ед/мл ни ташкил

этди. Биринчи ва иккинчи гуруҳ беморларида бу кўрсаткичлар норма доирасида бўлган, учинчи рецидив гуруҳидаги беморларнинг 76,3% ида жуда юқори қийматларни кўрсатган.

Текширилган беморларда периферик қон кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, деярли барча кўрсаткичлар референт маълумотлардан сезиларли даражада фарқ қилган. Эритроцитлар, гемоглобин, РК, гематокрит ва периферик қондаги тромбоцитлар миқдори кўрсаткичлари пасайган бўлса, лейкоцитлар, т/я ва с/я нейтрофиллар, моноцитлар ва ЭЧТ миқдори ишончли ошганлиги аниқланди. Фақат лимфотситларнинг нисбий миқдори турли йўналишда ўзгарган. Аниқланган бузилишлар гемодинамиканинг бузилиши билан кечадиган патологик жараённинг ривожланишини, шунингдек, организмнинг иммун тизимида зўриқиш мавжудлигини кўрсатади.

Асосий гуруҳдаги D витамини кўрсаткичи назорат гуруҳидаги концентрациядан 1,3 ва 1,4 барабар паст бўлди. Биз томонимиздан олинган юқоридаги маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ўрганилаётган гуруҳлардаги барча беморларда D витамини етишмовчилиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал.

ЭГЖ билан оғриган беморлар ва перименопауза ёшидаги соғлом аёлларда специфик маркерларнинг қиёсий кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Референт тебранишлар	Назорат гуруҳи (n=36)	1-асосий гуруҳ, (n=40)	2-асосий гуруҳ, (n=38)
25(ОН)Д нг/мл	30-100	26,8±1,22	20,5±0,88**	18,9±1,06**^

Изоҳ: * – фарқлар назорат гуруҳ маълумотларига нисбатан ишончли (*-p<0,05, ** – p<0,01), ^ – фарқлар I-гуруҳ маълумотларига нисбатан ишончли (^ – p<0,05).

Функционал усулларида биз барча ўрганилаётган гуруҳларда ультрато-вуш текширувидан фойдаланган (2-жадвал).

2-жадвал.


ЭГЖ билан оғриган беморлар ва перименопауза ёшидаги соғлом аёлларда эндометрий қалинлигининг қиёсий кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=36)	1-асосий гуруҳ, (n=40)	2-асосий гуруҳ, (n=38)
Эндометрий қалинлиги М-Эхо (мм)	9,6±0,26	20,3±0,80***	23,9±1,02***^

Изоҳ: * – фарқлар назорат гуруҳ маълумотларига нисбатан ишончли (*** – p<0,001), ^ – фарқлар I-гуруҳ маълумотларига нисбатан ишончли (^ – p<0,05).


Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, агар назорат гуруҳида бу кўрсаткич ўртача 9,6±0,26 мм ни ташкил этган бўлса, 3-гуруҳда эндометрий қалинлигининг ўртача кўрсаткичлари 23,9±1,02 мм ни, 2-гуруҳдаги беморларда эса ўхшаш натижалар 20,3±0,80 мм ни ташкил этган, чегаралари текис ва аниқ бўлган.

Биринчи асосий гуруҳнинг гистологик таҳлили натижасида сурункали яллиғланиш фониди безли гиперплазия ва безли ЭГ иккинчи гуруҳга нисбатан кўпроқ аниқланди. Биринчи асосий гуруҳда безли-кистозли ЭГ аниқланмади, иккинчи асосий гуруҳда эса 8 марта кўп аниқланди. Сурункали яллиғланиш фониди безли-кистозли ЭГ биринчи гуруҳда 2 нафар беморда аниқланган бўлса, иккинчи асосий гуруҳда 5 марта кўпроқ қайд этилди. Гормонал ўзгарган бачадон шиллиқ қавати юқорида кўрсатилган гуруҳларда 8 ва 5 та ҳолатда аниқланди. Тадқиқот давомида иккинчи гуруҳда фақат 1 та аденокарцинома ҳолати аниқланди.



2-расм. Эндометрийнинг безли гиперплазияси. Гематоксилин-эозин ранги. Яққол ифодаланган васкуляризация тромбоз билан (1). Строма толали тузилишга эга, майда фибробластсимон хужайралардан иборат (2). Эндометрий безлари ҳар хил шаклда, баъзи безлар кистасимон чўзилган, гиперплазияланган (3). Безлар эпителийси гиперхром ядролар билан (4). Безлар бўшлиқларида секретор масса (5).

Безли гиперплазиясининг гистологик манзараси таҳлил қилинганда сезиларли васкуляризация ва тромбоз аниқланди (2-расм). Эндометрий безлари турли шаклларга эга бўлиб, баъзи безлар чўзилган ва гиперплазияланган, эндометрит фонидаги безли гиперплазияда эса строма толали тузилишга эга бўлиб, кичик шиш ва лимфоцитар инфильтратли фибробластсимон хужайралардан ташкил топган. Безли-кистозли ЭГнинг гистологик манзарасида эндометрий безлари турли шаклларга эга бўлиб, улар кистоз кенгайган, гиперплазияланган. Безлар бўшлиғида секретор масса аниқланди (3-расм).



3-расм. Эндометрийнинг безли-кистозли гиперплазияси. Гематоксилин-эозин ранги. Эндометрий безлари ҳар хил шаклда, кистоз кенгайган, гиперплазияланган (1). Строма толали тузилишга эга, майда фибробластсимон хужайралардан ташкил топган (2). Безлар эпителийси гиперхром ядроли (3). Безлар бўшлиқларида секретор масса (4).

Сурункали яллиғланиш фонидаги безли-кистозли ЭГда юқоридаги элементлардан ташқари яллиғланиш элементлари: лимфотситлар, макрофаглар аниқланди. Аденокарциномада гистологик натижалар без тузилмалари ўлчамларининг катталашishi ва уларнинг зич жойлашиши, шунингдек, нотўғри бўлиниши ва атипик бўлиб қолишини кўрсатди, бу факат биргина ҳолатда аниқланди.

Диссертациянинг **"Перименопауза даврида эндометрий гиперплазиясида иммун тизимининг хусусиятлари"** деб номланган тўртинчи бобида 114 нафар аёлда ўтказилган иммунологик тадқиқот натижалари келтирилган. Иммунологик жавоб, гуморал ёки ҳужайра иммун жавоби устун бўлишидан қатъи назар, пролиферация жараёнининг фаоллашувидан бошланади. Бу пролиферациянинг мезонларидан бири лимфоцитлар сонининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Эндометрий гиперплазияси бўлган аёлларда лимфоцитларнинг фаоллашувини баҳолаш учун биз эрта фаоллашув маркери - CD25+ интерлейкин-2 рецепторидан ва уларнинг апоптозга тайёрлигини акс эттирувчи CD95+ экспрессия даражасидан фойдаландик. Олинган натижаларнинг қиёсий таҳлилида CD25+ лимфоцитларининг мутлақ қийматлари биринчи асосий гуруҳда $285,4 \pm 7,44$ мкл ва иккинчи асосий гуруҳда $245,4 \pm 4,41$ мкл ни ташкил этди, бу назорат гуруҳи ва ЭГ гуруҳи ўртасида 1,24 марта, шунингдек, биринчи ва учинчи гуруҳлар ўртасида 1,44 марта камайишни кўрсатади. CD95+ лимфоцитларининг мутлақ қийматлари даражасида ҳам назоратдан рецидив гуруҳигача пасайиш кузатилди ва I гуруҳда $436,4 \pm 5,81$ мкл, II ва III гуруҳларда мос равишда $360,2 \pm 4,14$ мкл ва $325,6 \pm 3,65$ мкл ни ташкил этди.

Беморларнинг периферик қонидаги CD25+ лимфотситларнинг нисбий қийматларини таққослаш шуни кўрсатдики, биринчи асосий гуруҳда кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан 1,095 марта пасайиб, $18,8 \pm 0,76$ ни ташкил этди. Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $20,6 \pm 0,88$ га тенг бўлди. Рецидивланувчи гуруҳнинг қийматлари ($15,9 \pm 0,58$) эса назорат гуруҳига нисбатан 1,3 марта паст эди.

Уч гуруҳ ўртасида CD95+ ҳужайраларининг нисбий қиймати қиёсий таҳлил қилинганда, назорат гуруҳидан рецидивланувчи гуруҳга қадар пасайиш кузатилди. Бу кўрсаткич I гуруҳда $25,3 \pm 0,63$ ни, II гуруҳда $23,7 \pm 0,69$ ни ва III гуруҳда $21,1 \pm 1,10$ ни ташкил этди.

Шундай қилиб, эндометрий гиперплазиясида CD25+ ва CD95+ лимфоцитлар экспрессиясининг пасайиши иммун тизимидаги пролиферация ва ҳужайра апоптози жараёнларининг номутаносиблигини кўрсатади, бу нафақат ушбу касалликнинг патогенези ва ривожланиши, балки бошқа ёндош патология билан ҳам боғлиқ.

ЭГ патогенезда цитокинларнинг ролини аниқлаш учун биз қон зардобиди ИЛ-1 β , ИЛ-2, ИЛ6 ва ФНО α концентрациясини ўргандик (3-жадвал).

Ҳар бир текширилган гуруҳда цитокинлар даражаси қиёсий таҳлил қилинганда, эндометрий гиперплазияси бўлган беморларда ИЛ-1 β даражаси назорат гуруҳи даражасидан 2,83 баравар, рецидивланувчи эндометрий гиперплазияси бўлган беморларда эса 3,37 баравар юқори эканлиги аниқланди.

3-жадвал.

Текширилган беморларда яллиғланиш олди ситокинлари даражаси, пг/мл

Гуруҳлар	IL-1β	IL-2	IL-6	ФНОα
Назорат	6,33±0,49	8,75±0,49	5,67±0,40	25,7±0,99
ЭГ (n=40)	17,9±0,82***	7,39±0,43*	18,4±0,90***	55,2±1,46***
Ретседив. ЭГ (n=38)	21,3±1,01***^	5,87±0,29***^	18,6±1,84***	67,6±1,95***^

Изоҳ: * – фарқлар назорат гуруҳ маълумотларига нисбатан ишончли (* – p<0,05, ** – p<0,01, *** – p<0,001), ^ – фарқлар I-гуруҳ маълумотларига нисбатан ишончли (^ – p<0,05).

ЭГ гуруҳида IL-2 даражаси 7,39 пг/мл ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидагидан 1,19 баробар, рецидивловчи ЭГ гуруҳидагидан эса 1,49 баробар паст. Эндометрий гиперплазияси бўлган иккала гуруҳда ҳам ИЛ-2 синтезининг пасайиши кузатилди.

ИЛ-6 концентрацияси ЭГ билан оғриган аёлларда ва иккинчи гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошган. ЭГ ва назорат гуруҳи ўртасидаги фарқ 3,25 мартани, рецидивловчи ЭГ ва назорат гуруҳи ўртасидаги фарқ эса 3,28 мартани ташкил этди. Икки гуруҳ ўртасидаги қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, биринчи ва иккинчи гуруҳ беморларида ФНОα синтези назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошган. Гуруҳлар орасидаги фарқ 2,14 ва 2,64 мартани ташкил этди.

Шундай қилиб, иммун кўрсаткичлардаги аниқланган ўзгаришлар эндометрий гиперплазиясининг турли шакллари учун умумий бўлди. Эндометрий гиперплазиясида умумий иммун тизимидаги бузилишлар кўпинча эндометрийдаги гиперпластик жараёнлар ривожланишининг умумий механизмлари билан эмас, балки ёндош касалликлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, гиперпластик жараёнлар ривожланишининг асосий механизмларини яхшироқ тушуниш учун маҳаллий иммун реакцияларни ўрганиш зарурати туғилади. Шу мақсадда тадқиқотимизнинг кейинги босқичи цитокинларни маҳаллий даражада ўрганиш бўлди (4-жадвал).

4-жадвал.

Текширилган беморларда яллиғланиш олди ситокинларининг маҳаллий даражаси, пг/мл

Гуруҳлар	IL-1β	IL-2	IL-6	ФНОα
Назорат	5,21±0,40	6,28±0,23	5,67±0,42	14,1±0,68
